

Маҳзун бўлганда айтиладиган дуо



09:30 / 14.05.2025 1764

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни:

«Мен бир калимани биламан, уни маҳзунликка тушиб қолган киши айтса, албатта нажот топади. У калима биродарим Юнус алайҳиссалом (балиқнинг қорнига тушиб қолганларидан кейин) зулматларда туриб:

??? ?????? ?????? ?????? ?????????????? ??????

?????? ????? ??????????????????

«Лаа илаҳа илла анта субҳанака инний кунту миназ золимийн»
(Анбиё сураси, 87-оят), дея қилган дуоларидир», дедилар.

Маъноси: Сендан бошқа илоҳ йўқ. Эй пок Парвардигор, албатта, мен (ўз жонимга) зулм қилувчилардан бўлдим.

Ибн Сунний ривояти.

Имом Термизий Саъддан қилган ривоятларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирор мусулмон киши Юнус алайҳиссаломнинг балиқ қорнида Раббларига қилган дуолари - «Лаа илаҳа илла анта субҳанака инний кунту миназ золимийн»ни айтиб, дуо қилса, дуоסי албатта ижобат бўлади»,** дедилар.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан

Таржимон Анвар Аҳмад

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2290-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.